

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 39 (66268)  
2000 йил 28 сентябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## ЖАЗДАРДИК ИЗ

Муаллим сўзининг асл мөхияти нима? Қандай маъно касб этади? Нима учун шу қадар муқаддас? Араб тили грамматикасига биноан “Муаллим” сифатдошнинг аниқ даражаси - “ilm берувчи” маъносини англатади. Шунингдек, маънодош мударрис ва мураббий сўzlари ҳам араб тилидан кирган бўлиб, “ўқитувчи”, “ўргатувчи” сўzlарни билдиради. Менинг шарафли касб ўқитувчиликни танлаганимдан мақсадим ҳам шу бўлган. Олий ўқув юргида олган билимларимни, устозимдан ўрганган ўғитларимни, ота-онамдан олган тарбиямни фарзандларимизга етказиш. Билим билан бойитиш. Ўзим узоқ йиллар давомида ўқитувчилик қилиб, 1-мактабда раҳбар бўлиб ишиладим. Фаолиятим давомида мактаб ҳаётига янгиликларни тадбиқ этиш, тажриба-синов майдонларни ташкил қилишда аҳамият беришга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларда газета ва китобларга меҳр уйғотишни ўзимнинг вазифам деб биламан. Шунингдек, туманимиздаги ҳар бир мактабда газеталар обунасини кузатиб бораман. Ўқувчиларимиз газета ўқиб, янгиликлардан боҳабар бўлсинлар, сиёсат борасида бемалол баҳслаша олсинлар, дейман. Айниқса, “Тонг юлдузи” газетаси республика миқёсида болалар ва ўсмирларнинг ягона газетаси. Ундаги материаллар болаларни қизиқтира олади. Эркин фикрлашга ўргатади. Менинг фарзандларим ҳар бир сонини мунтазам ўқидилар. Фурсатдан фойдаланиб, касбдошларимни ўз байрамлари билан чин дилдан қуттайман. Уларнинг шарафли касбларида омад тилаб, минглаб шогирдларнинг ҳақиқиий йўлбошчиси бўлишларини истайман. Фарзандларимиз фидоий устозларидан ўrnak олиб, уларнинг табаррук изларидан эргашсинлар.

**Шавкат ҚОЗОҚОВ,**  
**Андижон вилояти, Булок-**  
**боши тумани Ҳалқ таълими**  
**бошқармаси бошлиғи**

## УСТОЗЛАР БАЙРАМИ · БИЗНИНГ БАЙРАМИ



Yaqinda yana bir bayram - Ustozlar bayrami. Bu kunda mening ham quvonchim cheksiz. Chunki ustoslarimizning ozginagina quvonchlari, tabassumlari biz o'quvchilar uchun naqadar katta baxt ekanligini bilsangiz edi. Ustozlarimiz o'rgatgan o'gitlar bizga doimo o'mak bo'ladi.

Sinfdoshlarim Sardor, Aziza va

Xumoyunlar bilan yaxshi o'qishga harakat qilamiz. Maktabimizda biz uchun hamma sharoitlar yaratilgan. Haftada ikki marta “karate” to'garagi, ingliz tili, informatika darslariga qatnaymiz. Bizga odobnomalar darsida o'qituvchimiz rivoyatlar, hikoyalari aytib beradilar.



Usbu bayram munosabati bilan men ham barcha ustozlarni va birinchi ustozim - Xilola Rahmatullaevni bayram bilan tabriklayman. Ustozimiz Xilola opa bizga saboq berishdan hech charchamasinlar, deb qolaman.

**Dilshod JABBOROV,**  
**Toshkent shahri, Yunus-Obod**  
**tumanidagi 136-maktabning**  
**2-“B” sinf o'quvchisi.**



**Қўнғироқ**

-Мавлуда опа, сиз Акмал Икромов тумани ҳалқ таълими бошқармаси мудирининг муовини экансиз... Туманда нечта мактаб бор?

-37 та мактаб бор.

-Айтинг-чи, ўқувчилар газеталарга, айнан бизнинг “Тонг юлдузи” газетамизга 2001 йил учун обуна бўлдиларми?

-Йўқ, ҳали обуна бўлганларicha йўқ.

-Ҳар бир мактабга тахминан нечтадан газета етиб боради?

-Туманимизда 37 та мактаб бўлса, умумий обуна сони 370 та газета келади.

-Демак, ҳар бир мактабга 10 тадан “Тонг юлдузи” келар экан-да? Ахир бу кам эмасми? Бошқа туман мактабларида ҳар 10 нафар ўқувчи 1 тадан газетага обуна бўляяпти-ку?

-...

-Мавлуда опа, янги ўқув йилида туманингизда янги мактаблар очилдими?

-Йўқ, бизда янги мактаб охиригиси 1989 йилда очилган.

-Мактабларда ўқувчиларга форма кийин жорий қилинганми?

-Ҳар бир мактабнинг ўз формаси бор.

Мен телефон орқали Мавлуда Қаюмоннани саволлар билан вақтини банд қилаётганимни билиб, сұхбатни тўхтатдим. Аммо ҳаёлимда Мавлуда опа ҳам Республика болалар ва ўсмирлар газетасини ўқиб, улгайланлар-ку! Мамлакат сиёсати ва гоясини бола онгига етказадиган ягона “Тонг юлдузи”га нега бефарқ эканлар-а? Наҳотки, ҳар бир бола ўз газетасини, ҳатто мажбуран бўлса-да, обуна бўлиб, ўқи-маслиги керак?, деган фикр айланарди. Бу ҳақдаги саволимни болаларга сабоқ бераман, маънавиятини юксалтираман, деб юрган Акмал Икромов туманидаги устоз ва етакчиларга ҳам бергим келди. Аммо опанинг гаплари бу бўлса... жуда уятли иш бўлади-да, обуна масаласига пойттахт ўқувчилари бундай бефарқ ёндошишса...

Сиз нима деб ўйлайсиз? Қўнғироқларингизни кутамиз.

**Нигора**  
**МИРЗАМУҲАМЕДОВА** гаплашди

Менинг биринчи ўқитувчим Мавжуда опа Исломова эдилар. Улар билан ўқувчилардан ўз билимларини аямай билим бердилар. Она ни, Ватанни, дўстни севишга ўргатдилар.

Ўша мўъжазгина бошлангич синф хонамиз билан хайрлашганимизга ҳам тўрт йил бўлиди.

Мана шу тўрт йил ичиди Мавжуда опадек меҳрибон устоз Гулчехра опа Шодиевадан кўп яхши нарсаларни ўрганаяпмиз. Опамизни билим даргоҳимизда барча бирдек ҳурмат қиласи. Чунки улар тиниб-тинчимас, заҳматкаш устозлардан биридиirlар.

Устозимизнинг биздан умидлари катта. Баъзида улар жилмайиб туриб «Сизларни ҳам мустақил ҳаётга кузатиб юборсан, кейин бемалол нафақага чиқардим», дейдилар.

Биз ўқувчилар устозимизни жуда кўп безовта қиласи. Лекин ҳар сафар улар эринмай тушунирадилар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўқитувчиларимизни касб байрамлари билан табриклайман. Доимо яхши кайфиятда юришсан.

**Назира ЭРГАШЕВА,**  
**Бухоро вилояти,**  
**Фиждуон туманидаги**  
**8-умумий ўрғ**  
**таълим мактабининг**  
**9- «Е» синф ўқувчиин.**

## ЖАРАНГЛАА, ҚҮНГИРОҚ

Бизнинг мактабимизда бу йилги биринчи қүнгироқ ўзгача жаранглади. Сабаби, бу йил мактабимиз ташкил топганига, 30 йил бўлди. Байрамларга байрамлар уланган кунда мактабнинг собиқ ўқувчилари ҳам келдилар. Мактаб директори Ш. Хударганов жамоа хўжалиги бошқаруви раислари Янгибой Ҳакимов ва Равшан Ражабовларга сўз берар экан, «Бизнинг саҳоватли ўқувчиларимиз», деб танишитирди. Нормат Матёкубов, Баҳтиёр Рўзметов, Гулшод Собирова каби элнинг суюкли фарзандлари ҳам ўз мактабларидан ёрдамларини аямасликларини таъкидладилар.

30 маротаба жаранглайдиган қўнғироқни қабул комиссиясидан аъло даражада ўтган Муқаддас Одамова чалди. Кизчани мактабнинг собиқ аълочи ўқувчиси кўтариб олди. Бу қўнғироқ жаранглиги қулоқларимиз остида билимга, одамийлик илмини мукаммал эгаллашга чорлаб ҳамон жаранглаб туриди.


**Раҳима ОТАЖОНОВА,**  
Хоразм вилояти, Шовот тумани  
41-мактабнинг бош етакчиси.



### О'ЗВЕКСНА О'YNAYMAN

Men mактабимни juda yaxshi ko'raman. Chunki o'qish bilan бірга музыкага ham qatnayman-da. Pioninoda mumtoz kуylarni chalaman. Yana o'zbek milliy raqlarini o'rganyapman. Menga «Tanovar», «Munojot», «Lazgi» raqlari juda yoqadi. Oyim milliy liboslar ham tикиб bergenlar. Bayramlarda o'zbekcha raqlarni ijro etaman. Ta'tilda Rossiyadagi qarindoshimiznikida mehmonda bo'ldim. U yerni rosa aylandik. Zooparkka, istirohat bog'iga, teatrga va muzeysiga bordik. O'rtoqlarim bilan qo'g'irchoqlarga ko'yakchalar tikdik. O'qish boshlanganda ustozim Adjamatova Alimi opamga ta'tilni qanday o'tkazganim haqida so'zlab berdim.

**Anuya PARVETOVA.** Andijon viloyati, Bulqoboshi tumani 12-maktabning 2- «A» sinif o'quvchisi.



### ТАШИНА ЭКИНЛАР, ХАРОБ КЎЧАЛАР

Биз Наманган вилояти, Поп тумани, Навбаҳор жамоа хўжалигида яшаймиз. Туман, вилоят раҳбарлари тингламаган оҳу ноламизни болаларимизнинг газетаси «Тонг юлдузи»га ёзишга қарор қилдик. Чунки, бу газетада айтилган гап эгасига этаётганидан хабардормиз.

Зеро, юртбошимиз айтиларидек, «Биз нимага ҳаракат қилаётган бўлсақ, қандай ютуқларга эришаётган бўлсақ, бу ҳаммаси инсон баҳт саодати, унинг тинчлиги, келажаги учундир». Лекин бизнинг раҳбарларга бу гаплар етиб келмаётгандек... Чунки фарзандларимизни баъзан эрталаб иссиқ чойсиз мактабга кузатамиз.

Чунки чойнак кўтариб маҳаллани, жамоа хўжалигини айланмайлик, барибир тоза ичимлик суви тополмаймиз. Устозлар ўз ўқувчиларининг соғлигини ўйлаб, ўзлари билан бирга қайнатилган сув олиб юришларини айтидилар. Чунки ўша ичимлик суви мактабнинг ўзида ҳам йўқ...

Навбаҳор бир пайтлар чўл қўйнида барпо этилган шаҳарча деб ном олган эди. Энди эса ҳатто томорқада дов-дараҳт ўстиришнинг ҳам иложи йўқ. Фарзандларимиз мева-чеваларни ейиши учун томорқамиз олдига экилган мевали дараҳтларга ичиш учун мўлжалланган қувурлардан сув олиб қуямиз. Жамоа-хўжалигимизга келсангиз, худди туз конларига келгандек бўласиз.

Табиий газ муаммоси ҳам 1977 йилдан бўён ҳал қилинмаган...

**Бир гурӯҳ ота-оналар ва  
фарзандлар номидан  
Ҳавоҳон УСМОНОВА.  
Жаъми йигирма имзо.**

### МУСИЧА ТИРИК ҚОЛДИ

Бир куни ҳовлида онамнинг ўй юмушларига ёрдамлашаётган эдим. Қаерданdir мушугим оғзида мусичани ушлаб олиб келди. Мусича кўзларини пириллатиб турарди. Айвонда ўтирган онам уни кўрдилару мусичани мушукнинг оғзидан тезроқ олишиими ни айтидилар. Мен ҳам шошиб қолиб мушукни ушладим ва о-эҳтиёткорлик билан мусичатъомони кўлтимга олдим. Шу заҳоти мусича учеб кетди. Уни кузатиб турдим. Мусича қўшнимизнинг томига қўниб, роса кукулади. Назаримда менга қараб «раҳмат» дейётгандек эди. Ўз ишимдан жуда хурсанд бўлдим.

Ахир биз табиатни, унинг қушларини авайлаб- асраримиз керак-ку! Шундай эмасми, азиз тенгдошлар?

**Мунаффар СУЮНОВА,**  
Сирдарё вилояти, Мехнатобод  
туманидаги Беруний номли  
7- мактабнинг 7- «Б» синиф  
ўқувчisi.

## ТИЛ БИЛАДИ ДИА БИЛАДИ

Тошкентда яшайдиган амаким меҳмон бошлаб келдилар. Меҳмонлар тўрт нафар немис кишиси эди.

Амаким Германияга боргандаридан улар билан танишиб қолган эканлар. Ўз юртлари ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берган эканлар. Меҳмонлар Ўзбекистонни кўришга жуда қизиқиб қолишибди.

Германияликлар Тошкентни, Бухорони мазза қилиб тамоша қилишибди. Ҳар бир ёдгорлик уларда катта таассурот қолдирибди. Бу гапларни бизга амаким таржима қилиб турдилар.

Бизнинг мактабда инглиз тили ўргатилади. Немис тилини билмаганимдан қаттиқ афсусландим. Акаларим унча-мунча меҳмонларнинг гапларига тушунишар, мен эса амакимнинг тезроқ таржима қилишларини сабрсизлик билан кутар эдим. Бу нарса менга қаттиқ таъсир қилди. Ва шу кундан эътиборан тил ўрганишга тушдим. Бир неча тилни билиш кишига фақат фойда экан. Айтишадику тил билган дил билади, деб.

**Назира ЭРГАШЕВА,**  
Бухоро вилояти, Гиждувон  
туманидаги 8-мактабнинг  
9- «Е» синиф ўқувчisi.

### СЎНГАН ЮЛДУЗ

Мен Самарқанд вилояти, Оқдарё туманидаги Собир Раҳимов номли 28-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бу йилги ўқув йили якунланиши олдидан мен ўқитаётган 4-синфдаги аълочи, жамоатчи Юлдуз исмли қизча тўсатдан бетоб бўлиб қолди. Аниқлашларича у жигар хасталиги билан оғрибди. Бир ҳафта тўшакда ётиб, вафот этди.

Бундан бутун мактаб ларзага келди. Ахир Юлдузни ўқитувчию ўқувчилар бирдек яхши кўрар эди. У ўзининг тиришқоқлиги, билимга чанқоқлиги билан шундай меҳрга лойиқ бўлганди.

Юлдуз адабиётга, шеъриятга жуда қизиқарди. У ёзган бир шеърнинг мисралари ҳамон ёдимда.

**Менинг синглим Барчиной,**  
Ҳўп инжигу, эркатой.  
У дейди, гоҳ бу дейди,  
Менга эртак айт, дейди...

**Ф. БОЛТАЕВА,**  
ўқитувчи.



Суҳбатдошимиз “Одобнома” китоб-дарслигининг муаллифи, профессор Ойшахон Тўраева. Бу дилкаш, шириңсўз устоз минглаб шогирдлар тарбиялаб, ўнлаб китоблар ёзил, устоз деган номни юксакка кўтарилилар. Ҳозирги кунда 5 ўтил, 5 келин ва набиралар ардоғидаги сизлар учун қўлланмалар яратиб, кўп ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Кўйинда уларнинг жавоблари билан танишасиз.

1. Менимча, устозларни барча ўқувчилар яхши эслашса керак. Устоз бизга билим беради, ҳаётни танитади. Менинг устозларим Ҳўжаҳамад Асқархўжаев, Шароф ака Ўлмасбоев, Платон Иванович, Имомхон ака Ҳусанхўжаев, Малика опа Раҳмоноввалар жуда ажойиб, камтарин ва олижаноб инсонлардир. Билимлари ниҳоятда ўткир бўлиб, ўқувчиларига маҳорат билан сабоқ беришади. Устозларим дарс берриш усувларини мукаммал билганликлари туфайли дарслар ҳам ўзгача ўтиларди. Улар ўзлари устиларида тинимсиз иш олиб бориб, янги қўлланмалардан кўпроқ фойдаланишади.

2. Устозлардаги барча яхши фазилатларни қадрлайман. Айниқса, ўз устида ишловчи устозларни кўрганимда, уларга ҳавас билан боқаман.

3. Мен Алишер Навоийни тасаввуримдаги устоз деб ўйлайман. Устоз идеал бўлиши керак. Устозлар атрофда содир бўлаётган воқеалардан, янгиликлардан доим хабардор бўлиб, бу ҳақда ўз ўқувчиларини ҳам хабардор қилиб боришлари даркор. Мен ана шундай устозларни шогирдлар қучогида тасаввур қиласман.

4. Устозларга табригим - шахс тарбиялашда ишлаб толмасинлар. Уларга ижодларида улкан куч-ғайрат тилайман.

Азиз устозлар, омон бўлинг, шогирдлар баҳтига ҳамиша соғ бўлинг!



Бугунги кунда давлатлар ва ҳалқларнинг ўзаро муносабатлари ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда ҳар бир ўшнинг мақсади чет давлатларда ишлаш, ўзга ҳалқларнинг маданиятини, иқтисодини, ижтимоий сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишишдир. Ёшларга бу имкониятлардан фойдаланиш учун йўллар очилган.

Юртбошимизнинг таъкидлашларича, XXI аср, шубҳасиз, ҳалқаро муносабатларда бутун дунё қамраб оладиган аср бўлади. Фарзандларимиз, келажак авлодлар бўздан шу ўлкани, шу муқаддас

Азиз болажонлар! Минглаб устозларнинг севимли газетаси “Маърифат”нинг бош муҳаррири Ҳалим ака Сайдов ҳам суҳбатимизга кўшилдилар. Улар ёш бўлсаларда, катта ишда бош-қош бўлиб, “Меҳнат Шуҳрати” ордени соҳиби бўлганлар.

1. Албатта эслайман. Самарқанд вилояти, Самарқанд (Тойлоқ) туманидаги 81-мактабда бошлангич таълимни олганман. Бошлангич синфда ўқитган устозим Кимё опа Ҳалитова меҳрибон, ўз ўрнида талабчан ва қаттиқўл, гўзал аёл эдилар. Кўпчилик учун ибратли фазилатлари кўп эди. Бизга бўлган меҳрлари эсда қолган. Нимагадир шу устозимдан ҳамон уяла-

ман. 74-мактабдаги ўқитувчиларим Р. Рустамов, Б. Раҳмонов, С. Кўзибоева, Ш. Исматов, Ҳ. Абдураҳмонов, Ҳ. Темиров, И. Меликов, Т. Мавлонов, Д. Раҳмонова, Р. Сатторов, М. Мадаминова, О. Сайдоловларни хурмат билан эслайман.

2. Аввало, устозлардаги самимийликни қадрлайман. Болаларни яхши кўрмай, меҳрли бўлмай ўқитувчи бўлиш қийин. Изланувчан, ўз устида ишлайдиган, фа-

нининг фидойиси бўлган устозлар таҳсинга лойиқ.

3. Самимий, билимдон, меҳрли устоз - тасаввуримдагина эмас, ҳаётда, мактабда ҳам кўп бўлишини тилайман.

4. Барча устозларни кутгайман. Дунёдаги энг яхши тилакларни тилайман. Болалардек пок, беғубор кўнглингиз ҳеч қаҷон Сизларни тарқ этмасин, оппоқ кўнглингизга гард қўнмасин, дегим келади. Ҳаётда устозларим жуда кўп, шулар қаторида ўзим таҳсил олган ЎзМУ журналистика факультетидаги барча устозларимни ҳам табриклийман.

## СИЗГА ТАЪВИЛ, АВИЗ МУАЛЛИМ!

**Қадрли дўстларим! Ҳаётингизда ота-онангиз каби ардоқли, меҳрибон, шириңсўз бир зот борки, Сиз ундан доим қарздорсиз. У ҳақда асрлар давомида ашъорлар битилди - ниҳоясига етмади, таърифи тилларда достон бўлди - ҳали адo бўлмади, қуёшга, ойга, нурга ўҳшатдик - аммо ҳануз ташбеҳ излаймиз. Ҳа, тўтири топдингиз, бу - азиз муаллимингиз, мураббийингиз, Сиз учун ҳаёт йўлини машъалдек ёритувчи, зиё улашиб чарчамагувчи ўқитувчингиз. 1-октябрь устозларнинг байрами, Сиз уларга гул тутинг, токи улар чехраси гулдек очилсин, ширин сўз ила табрик битинг, токи кўнгли төгдек кўтарилсин, эзгу тилак тиланг, токи тилагингиз уларга қанот бағишиласин.**

**Байрам арафасида қуийдаги саволлар ила катталарга мурожаат этдик.**

1. Мактабдаги устозларнингизни эслайсизми?
2. Устозлардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз?
3. Сизнинг тасаввурингиздаги устоз қандай?
4. Уларга табригингиз.

Катталар қаторида кичикларга ҳам қулоқ тутайлик-чи! Севара Исоқжонова - Тошкент Давлат Шарқшунослик институти қошидаги академ лицей 2-курс талабаси ҳам устозлари ҳақида тўлқинланиб сўзладилар.

1. Мактабни ҳаётимдаги энг эзгу хотира сифатида эслайман. Қалбидағи бор яхши ниятлари или дарс берган устозларим С. Маҳкамов, М. Валиева, Д. Пўлатоваларни ҳеч қаҷон унугтмайман. Шаҳризмиздаги нуфузли академ лицейга ҳеч бир илтимосиз ўз кучим билан кириб ўқишимда устозларимнинг ҳиссаси жуда катта.

2. Устозлардаги меҳрибонликни қадрлайман. Кўп вақтим лицейда ўтади. Ш. Юсупова, У. Абдуқаҳорова сингари меҳрибон устозлар кўп бўлса.

Устоз меҳр ва очиқ чехра би-

лан дарс ўтса, мен учун ундан яхши муаллим йўқ дунёда, агар жаҳлдор бўлса, гапи қулогимга ҳам кирмайди.

3. Тасаввуримдаги устоз - мактабдаги синф раҳбарим. Уларнинг меҳрибонликлари, ҳар кунӣ эрталаб очиқ чехра билан кутиб олганлари, вақтида урушиб, вақтида эркалаб, биз учун елиб-юргургандар кўз олдимдан кетмайди. Устозимнинг танбехлари бизга катта фойда келтиришини энди тушундим.

4. Устозларимиз ҳамиша ўқувчилар ва ҳалқ назаридаги, иззат-эҳтиромда бўлишларини тилайман. Баҳтиимизга соғ-омон бўлсинлар, сиҳат-саломатлик, баҳт уларга ёр бўлсин.



заминни яна ҳам бой, кучли ва қурдатли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун фарзанд -

## ЁШЛАРГА БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧ

ларимизга фаровон мұхит яратиб беришимиз бизнинг бурчимиздир. Ва асосий мақсадимиз ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиш. Жисмоний, маънавий, моддий жиҳатдан соғлом авлодсиз бунга эришиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда гиёҳвандлик-

ка, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган шафқатсиз курашни аввалам бор ўзимизнинг порлоқ кела-

жагимиз учун кураш деб биламан... «Соғлом деганда биз фақаттингизни жисман бақувват фарзаандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни ҳам кўзда тутганимиз. Чунки ҳар томонлама соғлом авлодга эга бўлган ҳалқни ҳеч қаҷон енгиб бўлмайди». И. Каримов.

Яна бир шогирдлар ардоғидаги муаллима Юнус-Обод туманидаги 87-мактабнинг жонкуяр, фидойи, талабчан мураббияси, ўз ишининг моҳир устаси, “Ҳалқ таълими фидойиси” увони соҳибаси Муаттар Орифжоновадир.

Қани, уларнинг жавобларини ўқиб кўринг-чи.

1. Мактабдаги устозларимни жудаям аниқ эслай оламан. Биринчи бор қўлимга қалам тутган, ҳарф танитган устозларимни эсламай бўладими? Бурхон ака Қаландаров, Фотима опа, Холида опа, Зоҳир ака... Буларни мен мактабдаги азиз инсонлар қаторида хурмат қиласман ва ҳар доим ёдда тутаман.

2. Устозлардаги талабчанликни, қатъийликни, камтаринликни, ўқувчиларга бўлган меҳрини ва яқинликни қадрлайман. Шу фазилатларнинг барчасини ўзимда мужассамлаштиришга ҳаракат қиласман.

3. Тасаввуримдаги устоз билимдон, қатъий, камтар, ўз устида тинимсиз изланувчи, фидойи устоздир. Устоз қандай бўлишидан қатъий назар, у аввало инсон бўлиши керак.


4. Байрам арафасида барча ҳам-касларимга соғлик, омонлик, тинч-осуда ҳаёт ва улкан баҳт тилайман. Шогирдлари баҳтига доимо соғ бўлишисин.

Ана, устозлар ҳақида дил сўзларини ўқидингиз. Биз “Тонг ўлдузи” ижодий жамоаси ҳам барча-барча устозларни қасб байрамлари ила кутгаймиз. Уларга машақатли ишларда сабр-тоқат, саломатлик тилаймиз. Шоир таърифлаганидек, “олтии узукка нақш, Бедилга навобаҳш, лутфлари шифобаҳш” Сиз устозлар - илм сарбоилари доим ардоқда, иззатда бўлишларнингизни истаб қоламиз.

Гулоз БАҲОДИР қизин

Англаган бўлсаларингиз, юртимиз раҳбари ёшларга жуда катта ишонч билдирган. Биз ёшларга билдирилган бундай ишончни оқлашимиз учун барчамиз интиломгимиз керак.

Шарофиддин РИСҚУЛОВ,  
Тошдхи талабаси.



# НИГОРА ЙҮКПИРДАН РАНГЛАР

Таҳририятимизга ижодкор ўқувчилик тез-тез келиб туришади. Албатта улар ўзлари билан ижод на муналарини ҳам олиб келишади.

Нигора ойилари билан эшикдан кириб келгандариди иш вақти эндиғина бошланган эді. Уларни күрибоқ “Тонг юлдузи,” мұхлислари эканникларини пайқадым.



## КИЧИК СПОРТ ФИРМАСИННИГ ИСТИҚБОЛИ

Барцага маълумки, мамлакатимизда 2000дан зиёд мактаблар, кўплаб хунар билим юртлари мавжуд бўлиб, уларда ўқувчилар таълим олиш билан бирга спортнинг ҳар хил турлари, ўйинлари билан шугулланадилар. Айниқса, таътил кунлари билим даргоҳлари ҳувиллаб қолади. Ундаги спорт жиҳозлари ва анжомлари, ўқув хоналардаги дастгоҳлар ва меҳнат асблоридан фойдаланилмайди. Шунинг учун ҳам мен ёзни жуда салмоқли ўтказдим. Менинг онам тумандаги 40-мактабда ишлайдилар. Мактабдан стол тенниси ва жиҳозларини маҳаллага олиб келиб, теннис ўйинини бошладим. Менинг мақсадим, аввало қишлоқ ёшларини спортта қизиқтириш, спортнинг оммавийлигини ошириш, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишга кўмаклашиш, ёш авлоднинг саломатлигига ҳисса қўшишдир.

**Тўлқинжон РАҲИМОВ,**  
Фарғона вилояти, Богод туманиндағы иқтисодий гимназиянинг  
7-сinf ўқувчиси.

Салом-аликдан сўнг ойилари:

-Бу менинг қизим Нигора. Газетангиз “Тонг юлдузи”ни севиб ўқыйди. Шунинг учун газета иш фаолиятини яқиндан таништириш учун олиб келдим. Биз газетага доимий обуна бўламиз.

Қизим Нигора бўш вақтларида мана бундай расмлар чизиб турди,- деб қўлларидаги бир даста қоғозларни столга қўйдилар. Бирин-кетин расмларни кузата бошладим. Расмлар рангли бўёқларда жуда чиройли чизилган бўлиб, бир-бирига ўхшамасди. Уларни кўриб очиғи қойил қолдим. Қарасам, Нигора бир чеккада уялигина турибдилар.

**-Нигора, нечанчи синфда ўқийсиз?- беихтиёр шу саволни бердим.**

-Тошкент шаҳри, Юнусобод туманиндағи 274-мактабнинг 7-синфида ўқийман.

**-Демак, ҳозир 13 ёшда экансизда! Неча ёшдан расм чиза бошласиз?**

-Кичкиналигимдан, боғчага бориб жуда кўп расмлар чизардим. Ўйга келиб расмларимни давом эттирадим. Биринчи қўлимига қалам тутган устозим - 499-боғча тарбиячиси Гуля Аҳмедовна бўладилар. Мактабда эса расм ўқитувчимиз Санобар опамлардан тасвирий санъат сирларини ўрганиб келмоқдаман.

**-Бундан ташқари тўғаракларга ҳам қатнашиб турасизми?**

-Ха, албатта, нақш тўғарагига қатнашаман. Устозим Комил ақадан сабоқ оламан. Улар чизган нақшларни кўриб ўзим ҳам шундай чиройли нақшлар чизишга ҳаракат қиласман.

Энг яхши кўрганим табиат қўйнида, тинч-осойишталикда расм чизиш. Далаларга яқин турганимиз учун табиат манзараларини кўп чизаман. Миниатюра, эртак қаҳрамонларини ҳам чизиб, уларни ойим ва адамларга, опам, укам ва синглimgа кўрсатаман.

**-Чизганингиз оила аъзоларингизга ёқадими?**

-Буни ойижонимдан сўраб кўринг-чи...

-Тўғрисини айтсам, Нигора чизган суратларни кўриб дилим яйрайди. Бу қизимнинг табиатта меҳри жудаям баланд. Катта бўлса буюк рассом бўлишини астоидил, ништ қиласман. Ўзим мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайман. Дарсдан бўшади дегунча, Нигора менинг хонамга кириб китоб ўқыйди. Ўқиганларини тасаввур килиб расм чиза бошлайди.

-Китоб ўқиб чизсам, неғадир расмларим чиройли чиқади. Яқинда расм дар-

сида ўқитувчимиз Санобар опа ўйга вазифа қилиб рамзий тамға чизиб келишимизни айтдилар. Чизган расмларимиз бир-бирига ўхшамаслигини таъкидладилар.

**-Қийналмадингизми?**

-Йўқ, бу суратни мен олдин боғомизнинг таваллуд кунларида чизган эдим. Кейинги дарсда ўқитувчимиз синдошларим чизган расмларни кўриб чиқдилар. Яхши чиққан уч-тўртта суратни доскага қўйдилар. Синдошларим уларни кўриб, менинг чизган рам-



зий тамғамга 1-ўринни беришди. Мен жудаям хурсанд бўлиб кетдим.

**-Нигора, кўрик-танловларда қатнашиб турасизми?**

-Қатнашаман. Шу йили 1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида “Киночилар уйи”да ижодкор ёшларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу кўрик танловда мен каби расм чизишга қизиқадиган ўқувчилар қатнашишди. Ҳаммаёқ рангли расмларга тўлиб кетди. Кўрикдан сўнг барчага “Сен етим эмассан” бадиий фильмини намойиш этишди. Кино тугагач, совғалар улашилди. Мен ҳам юмшоқ ўйинчоқ билан тақдирландим.

**-Орзуларингиз?**

-Орзуим - рассом бўлиш. Гўзал аёллар суратларини чизиш.

**-Раҳмат, “Тонг юлдузи” мұхлисларига тилакларингиз.**

-Доимо соғ бўлишсин. Мен ҳам Нигорага ва газетамизнинг жонкуяри Юлдуз опага миннатдорчиликимни билдириб, суратларини таҳририятдагиларга кўрсатдим. Бош муҳарриримиз уларни завқ билан томоша қиласар-



канлар, «бу сафар газетамизни Нигора чизган суратлар билан безаймиз», дедилар. Очиги, бу таклифни кутмаган эдим. Беихтиёр мамлакатимизда жуда кўп ҳаваскор рассомлар бор, уларга ҳам мурожаат қилсан бўлмасмикан, деб ўйлаб қолдим. Фикримни айтсам, Умидга опамиз жуда тўғри фикр, газета ўқувчиларники, шунинг учун ҳам газетани ўз ўқувчилари безашса соз бўларди, дедилар.

**Азиз болалар! Суратлар чизсангиз, устозларигиздан маслаҳат олиб, бизга юборинг. Мавзулар эркин. Хатларингизни кутамиз.**

**ГУЛЮЗ олангиз.**

## СИГИР ХОНАДОН БАРАКАСИ


**“Пул топишни эмас, сарфлашни ўрган”**

**Халқ мақоли**

Қишлоқда яшовчи ўзбек хонадонларида чорва ҳайвонларни парваришилаш қадим-қадимдан удумга айланган. Бунинг асосий сабабларидан бири кўпчилик ўзбек оиласлари серфарзанд бўлиб, уларни иш билан таъминлашда ҳам кўл келади. Ёшроқ болалар сигирга ўт юлса, каттароқлари уни парвариши қиласади. Бизнинг оиласда иккита чорва сигир бор.

Шу сигирларни биз уйда иш билан парвариши қиласиз ва бу билан оиласа иқтисодий кўмак берабаромад келтирамиз. Сигирларни ўзимиз катта қилганимиз, яъни боласини боқиб, онасини сотиб юборганимиз. Шунинг учун сигирларни сотиб олишни ҳаражатга олмаймиз. Жониворларни йил давомида парваришила, ем сотиб олинади. Ҳашак эса хонадон томорқасидан олинади. Ҳар бир сигирга кунига 1 кг.дан кунжара, бузоқларга эса 0,5 кг.дан берилади. 1 йил давомида 1095 кг. кунжара кетади. Унинг нархи 4 сўм 20 тийин туради. Кунжара учун 1 йилга 4599 сўм ҳаражат қиласади. Сигирлардан биз кунига 4 литрдан сут оламиз. Сигирларнинг согин ойи 7 ойни ташкил қиласади. 1 литр сутни 100 сўмдан сотсам, 7 ойда 85200 сўм даромад қиласиз. Сутдан сариёғ, қаймоқ, қатиқ қилиб сотса ҳам бўлади. Ўз ҳайвонларига мажбурий сугурта тўланади. Мен мактаб ўқувчиси бўлганим учун даромад солигидан озодман.

**Баҳодир АҲМАДАЛИЕВ,  
шу гимназиянинг  
9-сinf ўқувчиси**



Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида шу йили 24-30 сентябрда бўладиган Тенис бўйича Йиллик Ёшлар Турнирига бағишиланган пресс-конференция бўлиб ўтди. БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Павел Крал ва Ўзбекистон тенис Федерацииси раҳбари Игорь Шепелев матбуот ходимларининг саволларига жавоб бердилар.


- Жаноб Крал, айтингчи БМТга аъзо бўлган бошқа давлатларда ҳам шундай тадбирлар ўтказилими?

- Менинг билишимча, бундай тадбирлар фақат Ўзбекистонда ўтказилипти. Албатта бунга Ўзбекистонлик ёшларнинг халқаро ташкилотларга бўлган қизиқишилари ва жаҳон миқёсига кўтарилиш истагининг юқори эканлигидир. Шу йили май ойида бўлиб ўтган “БМТ БИЛАН ГОЛИБ БЎЛ” конкурси ҳам жуда кўп ўқувчи ёшларни ўзига жалб қилди. Голиб чиқсан иштирокчилар қимматли совринларга эга бўлиб, биринчи ўринни эгалланган Тимур Чебанов Швейцариядаги бўлиб қайти. Ушбу турнирдан бизнинг мақсадимиз, ёш спортларни кўллаб-куватлаш ва келажакда яхши тенисчи бўлишига кўмаклашишдир.

- Жаноб Шепелев, Тенис Ёшлар турнири Тошкентда Ўзбекистон Миллий Банки спорт комплексида бўлиб ўтар экан. Республиканинг бошқа шахарларида ўтказилишининг имкони қандай?

- Албатта биз бундай спорт турнирларни Республиканинг бошқа вилоятларида ўтказишни режалаштирганмиз. Бироқ, ўзингизга маълумки, ушбу турнир иккинчи маротаба бўляпти. Ташки-

ЁШЛАР ТЕНИС ТУРНИРИГА МАРХУМАТ!



лотчилик масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Энди тажриба ва кўнижмаларга эга бўлган ҳолда ишимизни мунтазам давом эттирамиз, деб ўйлайман.

- Жаноб Крал, турнирда фақат тошкентликлар иштирок этадими?

- Саволингиз ўринли. Чунки ўтган йилги Тенис турнирида фақат тошкентликлар қатнашган эди. Бу йили вилоятлардан келган иштирокчиларимиз ҳам талайтина. Турнир мавқеи эса халқаро турнирлар мавқеидан кам эмас.

- Иштирокчилар ҳақида маълумот берсангиз.

- Турнирда 96 нафар иштирокчи бўлиб, улар асосан 14-16 ёшли ўсмирлар бўлиб, қизлар ва

ўғил болалар групчалири мавжуд.

- Жаноб Крал, голибларни аниқлашда қандай усул кўлланилади?

- Ҳамма иштирокчи очколар рейтингни бўйича баҳоланади. Энг юқори балл тўплаган ва биринчиликни кўлга киритган иштирокчимизга компьютер, иккинчи ўрин соҳибига видео магнитафон, учинчи ўринга аудиомагнитафон соврин тариқасида ажратилган. Бошқа қатнашчиларга қимматбаҳо совсалар ҳада этилади.

- Турнирга ҳомийлик қилаётган ташкилотлар ҳақида тўхтассангиз.

- Йиллик Ёшлар Турнирига “НЕК”, “Моторола”, “Ўзбекинвест”, “Ўздуунробита”, “Кока-Кола”, Навоий тог-металлургия комбинати, Ўзбекистон Ташки иқтисодий алоқалар Миллий банки, “Менатек” қўшма корхонаси, “Нестле”, “Сайёҳ макон” сайдёнлик агентлиги ҳомийлик қилмоқдалар.

